ДЯК 1532

Мустақиллик куни билан, азиз юртдошлар!

Тошкент ҳақиқати

1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган

№ 126 (10.375).

1992 йил

1 сентябрь, сешанба

Баҳоси 2 сўм.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУТЛОВ

ПРЕЗИДЕНТ И. А. КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАРДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Дўстлар!

Барчангизни улуғ ва муқаддас байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллик кунининг бир йиллиги билан юрак-юрагимдан муборакбод этаман. Эрк байрами, озодлик шодиёнаси барчангизга қутлуғ бўлсин!

Бир йил олдин ўзбек халқи тинч йўл билан ўзининг азалий ҳуқуқига — ўз тақдирини ўзи белгилаб, ҳақиқий давлат қўриш бахтига эришди.

Бугун — халқимизнинг минг-минг йиллик тарихида алоҳида ўрин тутадиган, мўътабар мазмунга, буюк аҳамиятга эга бўлмиш байрам.

Мустақил давлат тузиш онларига етиб келганимиз, авваламбор, асрлар давомида буюк истиқлолнинг машаққатли йўлида халқимизнинг, унинг асл фарзандларининг тинимсиз олиб борган жонфидо курашлари натижаси бўлди.

Бугунги байрам аждодларимиз бўлмиш улуғ аллома-лар — Имом Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий каби даҳо бобокалонларимиз руҳи қўллаб-қувватлагани, бизларга бахш этилган олижаноб туйғулар — руҳ озодлиги, қалб поклиги, иймон, чўнг ирода, мардлик, юртпарварлик, миллату Ватан учун фидойилик ва бошқа асл фазилатлар наслимизга, қон-қонимизга сингиб кетганининг исботидир.

Аминманки, буюк аждодларимизнинг руҳи-поки ҳозир ҳам тепамизда туриб, қўнгилларимизга холис ва эзгу ниятларини сочяпти, ғайратимизга ғайрат, умидимизга умид қўшяпти.

Азиз ватандошлар!

Истиқлол ҳеч қачон, ҳеч қайси замонда осонлик билан қўлга киритилмаган. Мустақилликнинг бир йили — катта йўлнинг бошланиши, холос. Хаётимизнинг ўзи, бошдан кечаётган воқеалар танланган йўлимиз, олдга қўйган мақсадларимиз тўғрилигини яққол тасдиқлаяпти.

Биз мустақил ўзбек давлатининг пойдеворини қурмоқдамиз. Минг қатла шукрки, тилимизни, динимизни, урф-одатларимизни, маънавий қадриятларимизни буткул йўқолиб кетиш хавфидан сақлаб, асраб-авайлаб, уларнинг азалий мазмуни ва қудратини тиклашга ўтдик.

Ер усти ва ер ости захираларимиз, авлод-аждодларимиз меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий бойликларимиз ва имкониятларимиз юртимиз аҳли фаровонлигига кафолат, жамиятимизнинг ижтимоий тараққиёт ва равнақига хизмат қилувчи замин бўлди.

Ўзбекистон ҳудуди, давлат чегаралари ва иқтисоди халқимиз куч-қудратига таянган ҳолда мустаҳкам ҳимояга олинди.

Давлат бошқарувининг, ташқи ва ички сиёсатнинг, иқтисодиётимизнинг мустақил эркин давлатга муносиб таркибини, шаклини тузяпмиз. Аҳолимизни, кўп болали ва кам даромадли оилаларни, ночор-ногиронларни, фахрийларимизни, фарзандларимизни, янги тизим барпо этишда табиий ҳолда юзага чиқадиган қийинчиликлардан асраш чораларини кўряпмиз. Халқимиз таъминотини узлуксиз ташкил қилишни энг муҳим мақсадимиз, деб биламиз.

Биз янги жамият қурар эканмиз, бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва ўз шароитимизда тадбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан фойдаланамиз. Бу ерда гап бирон-бир моделни — йўлни, ҳатто у ижобий натижа берган тақдирда ҳам, кўр-курона кўчириб олиш тўғрисида бораётгани йўқ.

Сиёсатимиз мақсади — Ўзбекистонинг чинакам мустақилликка эришишидан иборат. У, авваламбор, юртимизнинг ўзига хос хусусиятларини, шарт-шароитини, аҳолининг миллий ва маданий анъаналарини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Биз мустақил, демократик, ҳуқуқий жамият қурямиз. Ниятимиз инсонпарварлик, виждон эркинлиги қоидаларига асосланган, миллати, дин-эътиқодидан қатъи назар, фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган тизим қуришдир.

Давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг мазмуни шуки, юртимизда яшаётган барча миллат вакилларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришга, уларнинг давлат тузилмалари ишида ва жамоат турмушида фаол қатнашишига кафолат берилади.

Биз мафкурабозликдан, бир дунёқарашнинг яккаҳокимлигидан қатъиян воз кечдик. Чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида кўппартиявийликни амалда шакллантиряпмиз.

Аммо, айни вақтда, ҳокимиятни игво-пўписа, зўравонлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган, жумҳуриятимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқадиган, миллий ва диний адоват уруғини сепадиган, конституциявий тузумга, халқнинг маънавий негизларига тажовуз қиладиган кучлар ва ҳаракатларни қонундан ташқари деб ҳисоблаймиз ва уларнинг фаолиятини қонун талабига мослаш зарур деб ўйлаймиз.

(Давоми 2-бетда).



«Ўзбекистон Республикаси, ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлатдир».

(«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидан).

МУКОФОТ ВА НИШОНЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги фаол иштироки учун 29 август куни Тошкентда Республиканинг бир гуруҳ раҳбарларига «Мустақиллик» эсдалик нишонлари топширилди.

Мукофотланганлар орасида Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Олий Кенгаш Раиси Ш. Йўлдошев, республика Бош вазири А. Муталовлар бор. Эсдалик нишонлари Олий Кенгаш раёсатининг аъзоларига, Бош вазир ўринбосарларига, Президентнинг Давлат маслаҳатчиларига, вилоятларнинг ҳокимларига ҳам топширилди.

Мукофотларни топшириш маросимида И. Каримов нутқ сўзлади. Президент тўпланганларни катта байрам — Ўзбекистон Мустақиллигининг бир йиллиги билан қутлади. Бу кун демократик ва ривожланган давлат барпо этиш йўлига ўтган Ўзбекистон тарихидаги шонли босқичдир.

Шу куни оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, жамоат ташкилотларининг ва етакчи ишлаб чиқариш бирлашмаларининг раҳбарлари кўкракка тақиладиган «Мустақиллик» эсдалик нишони билан мукофотландилар. Уларга мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров топширди.

(ЎзА).

* * *

Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига бағишлаб чиқарилган кўкракка тақиладиган эсдалик нишони «Мустақиллик» деб аталади. Шонли сана арафасида 30 мингдан ортиқ саноат корхоналарининг энг яхши ишчилари, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, муаллимлар, шифокорлар, муҳандислар шу нишон билан тақдирланди. Мустақиллик кунини байрам қилишга тайёргарлик кўриш республика комиссияси шундай қарор қабул қилди.

Ўзбекистон иқтисодиёти, илм-фан ва маданиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссалари учун республика вазирликлари ҳамда идораларининг раҳбарлари ва мутахассислари, ижодкор зиёлиларнинг вакиллари ҳам шу мукофотга сазовор бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. М. Йўлдошев 28 август куни Тошкентда тантанали вазиятда мукофотланганларнинг катта гуруҳига эсдалик нишонларини топширди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республикани ривожлантиришдаги хизматлари, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

Ўзбекистон Республикаси Фахрий Ёрлиғи билан

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БУЙИЧА

Абдукаримов Тўхтамат — тажриба озиқ-овқат комбинати ҳайдовчиси, Ғазалкент шаҳри.

Абдуллаев Облоберди — мелиорация ва сув хўжалиги бирлашмаси катта муҳандиси, Бекобод райони.

Акромов Баҳодир Комилович — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси катализатор цехи бошлиғи.

Аминов Сидиқ — 29-ўрта мактаб ўқитувчиси, Ангрен шаҳри.

Орипов Анвар — Чиноз қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати электр пайвандчиси.

Арслонова Шаҳриниса Абдураҳмоновна — Олмалиқ уйсозлик комбинати «Винокор» ширкати суворчи-бўёқчиси.

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами куни муносабати билан қизғин саломларимиз ва самимий қутловларимизни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, келгуси йилларда мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик янада мустаҳкамланади. Бу дўстлик ўтган йили Сизнинг ташрифингиздан кейин яна ҳам кўпроқ ривож топди.

Шу имкониятдан фойдаланиб, Сизга чин дилдан сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига тараққиёт ва равнақ тилайман.

Шанкар Дайал ШАРМА
Ҳиндистон Республикасининг Президенти.



Асрий орзуларимиз уйғунлиги бу он,

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУТЛОВ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодий соҳада эса буйруқбозликка, ўта марказлаштирилган ва тақсимотчиликка асосланган тизимдан ва умуман ўша эски мафкурадан бутунлай халос бўлиш йўлидамиз.

Олий Кенгашда қабул қилинган қарорларга биноан, мулкчиликнинг барча кўринишлари — давлат мулки, ширкат мулки, хусусий мулк ва бошқа эгалик шаклларига ҳуқуқий тенглик берилади, бу тенглик қадам-бақадам қарор топмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтишга замин тайёрлаш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш, тажрибалар ва иқтисодий янгиликларни рағбатлантириш, тайёрга айёрлик кайфиятини батамом тугатиш, хорижий мамлакатлар, ишбилармонлар, банклар, иқтисодчилар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли алоқа боғлаш, уларнинг сармояларини халқ хўжалигимизга олиб келиш учун керакли шарт-шароит яратиб бериш — буларнинг барчаси республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Татбиқ қилинаётган сиёсий ва иқтисодий дастурлар ҳаётимизга осонлик билан кираётгани йўқ, албатта. Буни ҳаммамиз, биринчи навбатда, президент сифатида мен ўзим ҳам тан оламан.

Халқимиз бошдан кечираётган ҳозирги қийинчиликлар: турмуш даражаси пасайиши, қимматчилик, етишмовчилик, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар, тартиб-интизомнинг бўшашиши, авваламбор, собиқ иттифоқнинг пароканда бўлиб кетгани ассоциатидир. Кўп йиллар давомида юртимизга беписандлик ва зўравонлик билан сиёсат ўтказиш натижасида иқтисодимизни, хўжаликларимизни қарамлик ҳолига, нуқул хом ашё чиқарадиган ҳудуд ҳолига олиб келиб қўйилгани оқибатидир.

Кўп йиллар давомида ҳукмронлик қилган коммунистик ғоялар тазйиқидан халос бўлиш осонликча кўчмайди. Янги, адолатли жамият қуриш ҳам бир кунлик иш эмас, албатта. Буни ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Энг муҳими — биз юртимизда, диёримизда миллатлараро тотувлик ва фуқаролар бирлиги заминида барқарор сиёсий-ижтимоий вазиятни барпо этдик. Собиқ Иттифоқнинг бир қанча давлатларида бўлаётган фожиали воқеаларга қиёслайдиган бўлсак, жаҳон аҳли ўзбек халқининг нақадар бағри кенг, танти ва саховатли халқ эканини яна бир марта кўрди.

Юртимиздаги барқарор вазият, халқимизнинг баланд руҳи, Ўзбекистон танлаган йўл бутун Ўрта Осиё ҳудуди учун ибрат йўли бўлиб келаётгани ва бу ҳолнинг буюк масъулиятини тўла ҳис этамиз.

Ўрта Осиё халқлари — ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, тожик—биз барчамиз бир ота-онанинг фарзандларимиз. Ер-сувимизгина эмас, дину имонимиз бир, қувончу ташвишимиз, тарихимиз ва тақдиримиз бир.

Биз барчамиз — улуғвор дарахтмиз. Бу дарахтнинг замон шамол-бўронларидан эсон-омон қолиши бизнинг ўзаро жипс, яқдил ва мустаҳкам бўлиб туришимизга боғлиқ. Биз рус, украин, беларус халқлари билан, бир вақтлар собиқ Иттифоқ таркибига кирган бошқа барча халқлар билан ҳам ҳамкорлик тарафдоримиз. Биз бутун дунё халқлари оиласида тенг ва бахтиёр яшашни истаймиз.

Бугун Ўзбекистон Республикаси — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси. Республикамиз кўпгина обрўли халқаро, давлатлараро ташкилотлар ва кенгашларга таклиф қилинди ва уларнинг ишида фаол қатнашяпти. Республикамизни 120 дан ортиқ мамлакат тан олди. Элликка яқин давлат билан дипломатия муносабатлари ўрнатдик. Бугун жаҳон сармоядорлари ҳам Ўзбекистоннинг ишончли ва кучли шерик эканига амин бўлдилар. Энг муҳими — дунё аҳли меҳнаткаш, ҳалол, ўз тупроғининг жонкуяр эгаси бўлган ўзбек халқини тан олди ва таниди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, улуғ аждодларимиздан авлодларга ўтаётган маънавий меросининг кучлилигида, фуқароларимизнинг эл-юртга, она заминга битмас-туганмас меҳрида, миллий ғуруримизда.

Инсонпарварлик — ўзбек халқи миллий онгининг ўзак фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ёт. Халқимиз минг-минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошдан кечирди — маданият, илм-фан, ягона давлатчилик зафарлари нашъасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо бўлди. Лекин тарихнинг ўйинлари ҳам, табиий офатлар ҳам халқимизнинг инсоний табиатига доғ туширолмади.

Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва рўшнолик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, ўзгалар қайғусига ҳамдардлик мужассамлангандир.

Бизнинг муштарак бурчимиз — ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод этиб, бахтиёр яшаш учун муносиб қилиб қолдиришдир. Оролнинг экологик ҳалокати жаҳон миқёсидаги фожиа деб ташвиш билан эътироф этилмоқда. Бу фожиани Ўзбекистон ва унинг қондошқардош қўшнилари якка ҳолда даф этолмайдилар.

Бизнинг одамларимиз учун Ватандан жудо бўлишдан оғирроқ изтироб йўқ. Ҳеч ким бу тупроқни ўз ихтиёри билан ташлаб кетган эмас. Биз Ватанни барчамиз учун умумий маскан дебгина эмас, балки барчамиз учун ягона қалб дея идрок этамиз.

Ана шунинг учун ҳам бугунги кунда олисда яшаётган, қатағон йилларида тазйиқ кўриб она юртдан жудо бўлган ватандошларимизнинг қисматини енгил қилиб: «Келинг ота юртимизга, шу муқаддас тупроқни, унинг нурли келажагини, қувончу ташвишларини сиз азизлар ҳам биз билан баҳам кўринг!»,— деб мурожаат қилсак, жуда олижаноб, адолатли иш бўлур эди.

Оила шарафи ва насл-насаб билан фахрланиш ватанпарварлик туйғусига ҳамоҳангдир. Бу, энг аввало, оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, ота-боболарнинг муборак номларига доғ туширмасликка интилиш, меҳнат ва билим билан насл-насаб нуфузини мустаҳкамлаш, одамларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиш истагидир.

Азиз юртдошлар!

Мана шундай мўътабар байрам чоғида бир-биримизга кўнглимизни, бағримизни кенг очиб, қўлни-қўлга бериб, ғам-ғуссаларни, гина-кудуратларни унутиб, буюк аждодларимиз панд-насиҳатларини эслаб, келажак авлоднинг — фарзандларимизнинг тақдирини кўзлаб аҳд қилайлик:

— Жонажон диёримиз, Ва танимиз, заминимиз учун бутун борлиғимизни бағишлаймиз!

— Танлаган йўлимиздан қайтмаймиз!

— Истиқлолимиз учун бутун ҳаётимизни, тангримиз ато қилган олижаноб фазилатларимизни, фидойи меҳнатимизни аямаймиз!

Азиз дўстлар!

Нутқимнинг якунида муқаддас одатларимизни эслаб, ҳаммамизнинг юрагимизда бўлган тилагимизни айтсам:

Илоҳим юртимизга тинчлик-хотиржамлик, осойишталик, файзу барака ато қилсин, балою қазодан асрасин.

Фарзандларимизни, барча аҳли мўминни, фуқароларимизни бахтли-саодатли қилсин, эзгу ниятларига етказсин. Мустақиллигимизга қувват берсин, ёмон кўздан асрасин.

Ҳаммамиз бирликда, аҳиллиқда ўзлигимизни намоён этиб, ота-боболаримиз руҳини шод айлайлик.

Улуғ ва мўътабар ишларимизда олло таолонинг ўзи мददкор бўлгай!

Яшасин миллий мустақиллигимиз!

Яшасин Ўзбекистон истиқлоли!

ОЛАМ ИЧРА ЯНГИ БИР ОЛАМ

ТОШКЕНТДАГИ МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН РЕПОРТАЖ

ТОШКЕНТ. 1992 йил 31 август. Қадим Шошнинг байрамона ҳуснига тароват бағишлаб оқшом тушмоқда, соат миллари олти рақами билан юз кўришгач, Мустақиллик майдонининг тўрт томонида курантларнинг залворли занги эшитилади. Байрам тантаналари бошланганидан хабардор этиб карнай садолари таралади. Бу ҳаяжонли дамлар Ўзбекистон Республикаси тарихи зарварақларига абадий муҳрланиб қолажак.

Ўзбекистон деб аталмиш юрт бугун жумлаи жаҳон кўз ўнгида ўз мустақиллигини байрам қилмоқда. Бош майдон узра қад кўтарган истиқлол рамзи — ер курраси меҳварида навқирон Ўзбекистон давлатининг сарҳади яққол аксланиб, олам ичра янги бир олам — меҳнаткаш ва меҳрибон, танти ва меҳмондўст, болажон ўзбек халқининг мустақил — озод ватани пайдо бўлганидан дарак бериб турибди.

Майдоннинг ўнг ёғидан сўл томонига «Улуғ Ипак йўли» бўйлаб карвонлар қўнғироғини жаранглатганча аждодларимиз— Тўмарис, Спитамен, Абу Райҳон Беруний, Ибн Синою алп бобокалонимиз Амир Темур ўз навкарлари билан, ўзбекнинг улуғлиги тимсоли Улуғбек ўз алломалари билан, шеърият султони Алишер Навоий ғурур ила нор туяларда аҳли халқни буюк мустақиллик билан муборакбод этиб тавозе билан ўтадилар.

...Байрам либосига бурканган майдон бўйлаб байроқдорлар саф-саф бўлиб ўтади. Мустақиллик нашъасини жужуқларимиз ҳам биздан кам туйишмайди. Уларнинг ранго-ранг либослари, ширин каломларида — табрик. Бошлари узра ҳур Ўзбекистоннинг ялови озод ҳилпирайди.

Байрам саҳнасида тинчлигимиз, осойишталигимиз ҳимоячилари — миллий аскаларимиз пайдо бўладилар. Осмонни тўлдириб пўлат қанотларида «Мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик» сўзлари битилган эзгу шиоримизни байроқ қилиб ўчоқлар ўтади.

...Майдон узра бир зум сокинлик таралади. Саҳнага мустақил Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов йўл олади. Меҳмонлар ва мезбонлар, халқ вакиллари юрт мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай курашаётган йўлбошчини самимий олқишлайди.

...Осмонни гумбурлатиб мушаклар ёрилади, маво унинг ранго-ранг жилолари билан безанади, кўнгилларда завқ ва ғурур жўш уради. Байрам руҳи билан йўғрилган майдон узра мустақиллик фахрияси янграйди.

Тун бўйи давом этган байрам тантаналари Мустақиллик майдони оша оммавий халқ сайлига айланиб кетди.

Уктам МИРЗАЕР,
ЎзА мухбири.

БАХТЛИ БЎЛ, БОЛАЖОН!

Сен 1992 йилнинг биринчи сентябрида — ажойиб, шодиёна бир кунда, Ўзбекистон Республикаси озод ва мустақил, деб эълон қилинган куннинг бир йиллиги байрами кунида туғилдинг.

Туғилган кунинг қутлуғ бўлсин, эркатойим!

Ота-онанг, халқинг, Ватанинг ҳамиша бахт-саодатинг учун, ёмон кунлар сенга соя ташламаслиги, қуёш беланчагида ўсиб-улғайиб янги асрни кутиб олишинг, юртингнинг асл фарзанди бўлиб етишишинг учун ғамхўрлик қилади.

Теваракда неки бор —бепоён она замин, унинг дарё ва водийлари, боғ ва далалари, қадим ва навқирон шаҳарлар, билимлар хазинаси, маънавиятимиз сарчашмалари, адабиёт ва санъат асарлари, оталар ва боболарнинг доно ўгитлари — бари сеники! Ватан бойликларини кўз қорачиғингдек сақла, камол топтир, Ўзбекистон шуҳратини жаҳон узра тарат!

Соғлом, гўзал, олижаноб бўлиб камолга ет. Ҳамиша халол ва дилдор бўл, қийинчиликлардан чўчима, хайрли ишларни амалга ошир, дўстликнинг қудратини қадрла!

Ўзбекистон — ўз уйингни дил-дилингдан сев, қўшниларингни эъзозла, ҳар қандай кунда, ҳар қандай синовда халқинг билан бирга бўл!

Ҳаёт йўлларида сенга қувонч, омад, бахт тилайман!

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом КАРИМОВ.

РАҲМ-ШАФҚАТ БЕЛГИСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганининг бир йиллиги муносабати билан эҳтиётсизлик натижасида ва жамият учун хавфли бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан раҳм-шафқат ва инсонпарварлик кўрсатиб амнистия ҳақидаги фармонга имзо чекди.

Истиқлолнинг ойдин йўлидан

С. САЙДАЛИЕВ,
Тошкент вилояти ҳокими

БИЗ НАСИБ этиб халқимиз неча йиллар орзу қилган мақсадга эришдик. Ўзбекистон бундан роппа-роса бир йил муқаддам ўз мустақиллигини эълон қилди. Давр Ўзбекистон ҳукумати, халқи олдига оғир вазиятдан энг тўғри йўлни танлаб олиш вазифасини кўндаланг қилиб қўйди.

Мана, бугун истиқлолимизнинг бир йиллигини нишонлаяпмиз. Очиғи, мутлақо янги жамият, муносабатлар яратилаётган ёш мамлакатда бир йил ичида катта ўзгаришлар қилиш мураккаб иш. Аммо Ўзбекистон Республикаси учун ўтган бу қисқа муддат тарих саҳифаларига катта ҳарфлар билан киради, десам янглишмайман. Зеро, республикамизда бир йил ичида шундай кенг кўламли, катта ишлар амалга оширилдики, уларни бажариш учун ўн йиллар керак бўларди. Сўзсиз бу муваффақиятларда республикамиз ҳар бир фуқаросининг ўз улуши бор.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён ўтган бир йил ичидаги энг катта бойлик бу — жумҳуриятда жумладан вилоятимизда ҳам тинчликни, барқарорликни, хотиржамликни сақланиши бўлди. Бу бойликни республика Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат ва ажойиб байналмилал Ўзбекистон халқи яратди. Таъбир жоиз бўлса бу бойликнинг қадр-қиммати шундаки, тинчлик, барқарорлик, хотиржамлик бўлган жойда ҳар қандай иқтисодий муаммолар ҳам, сиёсий масалалар ҳам аста-секинлик билан ўз ечимини топаверади.

Бугун Ўзбекистонни дунё тан олаётган экан, унинг ички сиёсатида кунданкунга нуфузли натижаларга эришилаётган экан, бунинг бош замини ҳам ана шудир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йили да республикамизда қўлга киритилган ютуқларнинг яна бири шу бўлдики, президент бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўзининг янги сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий дастурини қисқа фурсатда пухта ишлаб чиқиб, унинг келажакда муваффақият келтиришини фуқароларга тўғри етказа билди. Меҳнаткашларимиз танланган йўлни ва белгиланган режаларни қўллаб-қувватламоқдалар. Республикамизда амалга оширилган ана шу икки муҳим жиҳат туфайли Ўзбекистонда собиқ иттифоқ таркибида бўлган бошқа мамлакатларда рўй берган ўта тақчилликларга, нотинчликларга, бош-бошдоқликларга энг асосийси бегуноҳ одамларнинг қони тўкилишига йўл қўйилмади.

Тошкент вилояти меҳнаткашлари, барча аҳолиси ҳам республика мустақиллигини тиклаш, мустаҳкамлаш йўлида ўз меҳнатлари билан катта ҳисса қўшиб, кенг қўламли ишларни амалга оширмоқдалар. Тошкент вилоятида мустақилликнинг илк кунидан бошлаб республика ҳукумати танлаган йўлни, дастурни изчиллик билан амалга ошириш юзасидан пухта тадбирлар ишлаб чиқилди.

Вилоят ҳокимлиги биринчи навбатда мураккаб вазиятда қолган халқ хўжалигини бозор иқтисоднётига муваффақиятли ўтказиш бўйича энг мақбул йўлни танлашга диққат-эътиборни қаратмоқда. Барча ишлаб чиқариш бўғинларини янгича фикрлайдиган, ташаббускор кадрлар билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилинмоқда. Чунки бугунги шароитда иқтисодиётни фақат ана шундай кишилар тезроқ инқироздан ойдин йўлга олиб чиқадилар. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳеч қаерда мустаҳкам иқтисодиётни таъминламай туриб, тўлиқ мустақилликка эришиб бўлмайди.

Биз вилоят иқтисодиётини янги шароитга ўтказишда аввало ички имкониятларга таянмоқдамиз. Бой хомашёга ва ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган район ва шаҳарларда улардан тўлиқ фойдаланиш йўлларини излаяпмиз. Айтиш мумкинки, бу ҳаракатлар ўзининг самарасини берди. Асосий ишлаб чиқариш корхоналарида узилишларга, иш суръатининг пасайишига йўл қўйилмади.

Олдимизда турган яна бир муҳим вазифа иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш даврида аҳолини озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда фуқароларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш эди. Шунинг учун ҳам вилоят ҳудудидаги корхона ва ташкилотларда кенг халқ истеъмол буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайтирилди. Шу билан биргаликда республика президентининг аҳолини ижтимоий муҳофаза этишга қаратилган фармонларини жойларда тўлиқ бажарилишини таъминламоқдамиз. Ана шу фармонларга мувофиқ фахрийлар, ногиронларнинг нафақалари оширилди. Ўқитувчилар, шифокорларга имтиёзлар билан биргаликда яшаб турган уй-жойлари хусусий мулк қилиб расмийлаштириб берилмоқда. Вилоят ҳокимлиги яна бир қатор ёрдамга муҳтож оилаларга, фуқароларга моддий ёрдам бериш юзасидан кенг кўламдаги тадбирларни амалга оширмоқда.

Бугун мустақилликнинг бир йили давомида вилоятимизда из қолдирган масалалар тўғрисида гап борар экан, қишлоқ районларида амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиш керак, деб ўйлайман. Вилоятда деҳқонларга қўшимча томорқа ва ер участкаси бериш давом эттирилмоқда. Аҳолига ер бериш тўғрисидаги фармон эълон қилинганидан буён 22 минг гектар суғориладиган майдон шу мақсадда фойдаланиш учун ажратилди. Бундан ташқари ҳозирги пайтда вилоятимизда ижарачи жамоалар ва фермер хўжаликлари сони ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Ҳозир 570 дан ортиқ фермер хўжаликлари тўлиқ фаолият кўрсатиб, маҳсулот бермоқда. Бу тадбирлар биринчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги яна бир манбаа бўлса, иккинчидан уларда етиштирилаётган маҳсулотлар таъминотни яхшилашда катта таянч бўлмоқда. Умуман вилоят қишлоқ хўжалигида сўнгги йилларда кескин ижобий ўзгаришлар бўлаётир. Аста-секинлик билан бўлсада, қишлоқларга саноат кириб келмоқда. Бугунги кунда бир қатор жамоа ва давлат хўжаликларида ўз хом-ашёси ҳисобига ишлайдиган кичик корхоналар, қайта ишлаш цехлари ташкил этилди. Биргина Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан бутун республика ҳатто хорижликлар ҳам қизиқмоқда. Мустақиллик берган имконият туфайли хўжаликларимиз тўғридан-тўғри хорижий деҳқонлар, фермерлар билан алоқа ўрнатмоқдалар. 1992 йилда Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли ва Юқори Чирчиқ районидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжаликлари деҳқонлари голландияликлар билан ҳамкорликда картошка етиштиришнинг янги технологиясини яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Келгусида бу борадаги белгиланган тадбирлар қўламини янада кенгайтириб борамиз. Қисқа вақт ичида вилоятда ҳозирги кунда фойдаланилаётган сабзавот ва мева сақланадиган омборлар, қайта ишлаш цехлари олдига янгилари қўшилади...

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини иш билан таъминлаш, қўшимча халқ истеъмоли моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш борасида хорижликлар ва қўшни мустақил давлатлар ҳамдўстлиги таркибидаги республикаларнинг вакиллари билан ўзаро алоқаларни кенгайтиришга ҳам катта эътибор бераяпмиз. Ҳозирги кунда Тошкент вилоятида чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналар фаолият кўрсатиб турибди. Сўнгги ойларда биз билан алоқа ўрнатиш истагида бўлган кўплаб мамлакатларнинг вакиллари ташриф буюришмоқда. Туркия республикасининг Қайсари, Хитой Халқ Республикасининг Хунань вилоятлари билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганлиги қувончлидир. Умуман, биз хорижлик фирмалар, компаниялар билан алоқа ўрнатар эканмиз, биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва кенг истеъмол буюмлари тайёрланадиган корхоналар ташкил этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ана шу йўл билан бозорни тўлдириш, халқимизнинг эҳтиёжини қондириш бош вазифа этиб белгиланган.

Шуни айтиш керакки, республикамизнинг қўшни Қозоғистон билан ўзаро алоқаларининг кенгайиб бораётганлиги бизни жуда мамнун этмоқда. Зеро, ҳозирги кунда Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида 300 мингдан ортиқ ўзбеклар айни пайтда Тошкент вилояти ҳудудида деярли шунча қозоқ халқининг вакиллари истиқомат қилмоқда. Бу ўзаро ҳамкорлик бизни бир-биримизга янада яқинлаштирди. Биз илғор тажрибаларни алмашмоқдамиз. Фақат вилоятгина эмас, район, шаҳарларимиз ҳам чимкентликлар билан ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Россия Федерациясининг Кемерово, Омск вилоятлари, Олтой ўлкаси билан вилоятимиз ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар ҳам иқтисодиётимизни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Умуман, бундан буён ҳам вилоятимизда хорижий давлатлар ва ҳамдўстлик республикалари билан ҳамкорлик қилишни кенгайтириш режаларимиздан кенг ўрин олган. Ҳадемай, вилоятимиз меҳнаткашлари ана шу қўшма ва кичик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ажойиб нусхаларини ҳарид қилишади. Буларнинг ҳаммаси республикамиз эришган мустақилликнинг илк меваларидир.

Қадимдан маънавияти паст бўлган халқнинг келажаги йўқ, дейишади. Бунинг замирида чуқур маъно бор. Зеро мустақилликни мустаҳкамлаш учун фақат меҳнат қилишнинг ўзи камлик қилади. Аксинча, бугун ҳаммага ўзбек халқининг ниҳоятда бой маданий меросга, адабиёт ва санъатга эга эканлигини етказмоғимиз керак. Чунки ўтмишимизни билмасдан туриб келажакни яратиб бўлмайди. Вилоятимизда бу масала ҳам доимий диққат эътиборимизда турибди. Маданий-маърифий муассасалар, олийгоҳлар ва ўрта махсус билим юртларида иш юритишни такомиллаштириб бормоқдамиз. Бу соҳаларга кўплаб маблағ ажратяпмиз.

Бундан ташқари замонавий, етук кадрлар тайёрлаш учун хорижий давлатларнинг ўқув муассасалари билан ўзаро алоқалар ўрнатилмоқда. 1992 йилнинг ўзида Тошкент вилоятидан 60 нафарга яқин олий ва ўрта таълим билим юртлари ҳамда мактабларнинг талаба ва ўқувчилари хорижий давлатларга ўқишга юборилди. Мана бу ҳам мустақиллик йўл очиб берган яна бир имкониятдир.

Халқимиз юзига фотиҳа тортар экан аввало юртимизга тинчлик, хотиржамлик, тотувлик ва дастурхонга қут-барака тилайди. Бу бежиз эмас. Хусусан Республикамизда ва Тошкент вилоятида ўтган қисқа фурсатда амалга оширилган, тилга олса арзигулик ишлар ва ёш мамлакатимизни истиқбол сари одимлаётган режаларни амалга оширишда ана шу тотувлик, тинчлик замин бўлмоқда. Мен байрам арафасида вилоятимизнинг барча район ва шаҳарларида бўлдим. Ишчи-хизматчилар, деҳқонлар, фахрийлар билан суҳбатлашдим. Турли миллат ва элат вакиллари бўлган бу кишиларнинг бир мақсад сари интилаётганликлари республиканинг келажагига ишонаётганликлари, мустақилликнинг мустаҳкамланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга тайёр эканликларини эшитиб жуда мамнун бўлдим. Вилоят ҳокимлиги бундан буён ҳам ана шу йўлни изчил давом эттиради. Мустақилликнинг ўтган биринчи йили яна бир бор синовдан ўтказган халқларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, дўстлик, тотувлик ипларини янада мустаҳкамлаш учун ҳамма ишни қиламиз. Биз ўз фаолиятимизда ана шу юздан ортиқ миллат ва элатларнинг ҳар бирига эмин-эркин меҳнат қилишлари ва яшашлари учун бирдай шароитни яратиб берамиз. Миллатлар ўртасидаги дўстлик ва иноқликка раҳна солмоқчи бўлган ҳар қандай кучларга тегишли жавоб берамиз.

Зеро бугунги кунда вилоятимиздаги барча миллат ва элат халқларини жипслаштирувчи ғоя ягонадир. Бу — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашдир.

Ўзбекистон мустақиллик йўлида эндигина дастлабки қадамини ташлади. Ҳали ишимизда камчиликлар ҳам, нуқсонлар ҳам, муаммолар ҳам мавжудлигини яхши биламиз. Хусусан Тошкент вилоятида ҳали амалга оширилиши керак бўлган катта ишлар турибди. Аммо яхшиниятқилиб меҳнат қилган киши албатта мақсадига эришади. Биз ана шу муаммоларни бартараф этиш, иқтисодиётни соғломлаштириш, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш юзасидан пухта режалар ишлаб чиқмоқдамиз. Улар жуда кенг. Қишлоқларда фермер хўжаликлари сафини янада кенгайтириш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, аста секинлик билан кичик корхоналарни хусусийлаштириш ва бошқа ишлар ана шу режаларнинг бир бўлагидир холос. Лўнда қилиб айтганда ҳамма соҳаларда ўтган бир йилда орттирилган тажрибаларни оммалаштириш, янги-янги режаларни амалга ошириш учун барча ишларни қиламиз.

Мен Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг бир йиллиги жуда катта тантана қилинаётган паллада Тошкент вилоятида эришилган натижалар тўғрисида қисқача тўхталдим. Аммо менимча бу дастлабки йил — Республикамиз учун тарихга келгусидаги муваффақиятларга, юксалишларга асос солган йил бўлиб киражак.

Имкониятдан фойдаланиб вилоятимизнинг барча меҳнаткашларини, мустақиллигининг бир йиллиги билан қутлайман. Уларга ана шу мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, республика тараққиётини таъминлаш йўлида соғлиқ, бардамлик тилайман.

Илгари хабар қилганимиздек, вилоятимиз шаҳар ва районларида бўлиб ўтган байрамолди йиғилишларида вилоят Ҳокими С. Д. Сайдалиев бир гуруҳ кишиларга «Мустақиллик» эсдалик нишони ва вилоят ҳокимлиги Фахрий ёрлиқларини топширди. Ушбу сурат Қуйи Чирчиқ районида бўлган байрамолди йиғилишида олинган.

Суратқаш В. ХАРИТОНОВ.

Гулла, яшна энди ҳур Ўзбекистон!

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МУҲИМ САНАЛАРИ

1991 ИИЛ

31 АВГУСТ — Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

1 СЕНТЯБРЬ — Ўзбекистон Мустақиллиги байрами куни.

5 СЕНТЯБРЬ — Тошкент шаҳрининг бош майдони Мустақиллик майдони деб қайта номланди. Бу ерда Озодлик ҳайкали ўрнатишга қарор қилинди.

6 СЕНТЯБРЬ — Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди.

26 СЕНТЯБРЬ — Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйи тантаналари бошланди. Жаҳон ўзбеклари учрашуви ўтказилди.

28 СЕНТЯБРЬ — Тошкентда Алишер Навоий ҳайкали очилди. Эрталаб янги ташкил топган Ўзбекистон миллий боғида эл-юртга ош тортилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотининг биринчи лауреатлари маълум бўлди.

26 ОКТЯБРЬ — Москвада Ўзбекистон билан Россия ўртасида 1992 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисида битим имзоланди.

28 ОКТЯБРЬ — Ўзбекистон Республикаси билан Украина давлатлараро муносабатларининг асослари тўғрисидаги Шартнома имзоланди.

29 ОКТЯБРЬ — Ўзбекистон пахта режасини бажарди: 4,5 миллион тонналик хирмон уйилди.

6 НОЯБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов билан Беларусь Республикаси Олий Кенгаши Раиси С. Шушкевич Тошкентда Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги давлатлараро муносабатларининг асослари тўғрисидаги Шартномага имзо чекдилар.

14 НОЯБРЬ — Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Молдова Республикаси ҳукуматлари ўртасида 1992 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик қондалари тўғрисида тузилган битим имзоланди.

18 НОЯБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши VIII сессияси очилди. Сессияда Ўзбекистон Давлат байроғи тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Президенти сайлови куни 29 декабрга белгиланди. Шу куни Ўзбекистон мустақиллигига бағишланган референдум ҳам ўтадиган бўлди.

8 ДЕКАБРЬ — Брест яқинида Ельцин, Кравчук, Шушкевич учрашуви. 3 та славян республикаси янги иттифоқ — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузишди.

12 ДЕКАБРЬ — Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари раҳбарлари Ашгабатга келдилар. Улар МДҲни ёқлаб чиқишди.

13 ДЕКАБРЬ — Тежен— Серакс темир йўлини қуришда иқтисодий ҳамкорлик қилиш тўғрисида Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Ўзбекистон раҳбарлари бир битимга келдилар.

16—19 ДЕКАБРЬ — Туркия Жумҳурияти Президенти Турғут Ўзол таклифига биноан И. А. Каримов расмий ташриф билан Туркияда бўлди. Бу ташриф арафасида Тошкент — Истамбул ҳаво йўли очилди.

16 ДЕКАБРЬ — Туркия Ўзбекистонни тан олди. У мустақиллигимизни таниган илк давлат бўлди.

21 ДЕКАБРЬ — 11 республика раҳбарлари Олмаотада учрашдилар. МДҲ ҳужжатлари имзоланди. Марказ тугатилди. СССР барҳам топди.

25 ДЕКАБРЬ — М. С. Горбачев президентликдан расман истеъфога чиқди.

29 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистонда референдум ва президент сайлови бўлиб ўтди. Олий Кенгаш эълон қилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини ёқлаб сайловда қатнашганларнинг 98,2 фоизи овоз берди. И. Каримовни ёқлаб 86 фоиз, Салай Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) номзоди учун 12,3 фоиз овоз берилди.

1992 ИИЛ.

4. ЯНВАРЬ — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IX сессияси очилди. И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қасамёд қилди.

7 ЯНВАРЬ — Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети Ўзбекистон Давлат телерадио эшиттириш компаниясига айлантирилди.

14 ЯНВАРЬ — Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув юртларини Ўзбекистон Республикасининг юрисдикциясига олиш тўғрисида Олий Кенгаш қарор қабул қилди.

28 ЯНВАРЬ — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил қилинди.

5 ФЕВРАЛЬ — ЎзТАГ — Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (ЎзА)га айлантирилди.

15 ФЕВРАЛЬ — АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер Тошкентга келди. У республика Президенти билан музокаралар олиб борди.

16—17 ФЕВРАЛЬ — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИҲТ)га тенг ҳуқуқли аъзо қилиб олинди.

26 ФЕВРАЛЬ — Финляндия пойтахти Хельсинкида И. Каримов Беларусь, Молдова, Тожикистон, Украина раҳбарлари билан бирга Оврупада Хавфсизлик ва Ҳамкорликка бағишланган Кенгаш Якунловчи актини имзолади.

2 МАРТ — Ўзбекистон БМТга аъзо бўлди.

12—14 МАРТ — И. Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг Хитойга расмий ташрифи.

15 МАРТ — Тошкентда биринчи ажнабий элчихона очилди. У дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларидан бири Америка Қўшма Штатларининг ваколатхонасидир.

21 МАРТ — Озод, мустақил Ўзбекистонда Наврўз тантаналари кенг нишонланди.

4 АПРЕЛЬ — Рамазон ҳайити. Президент фармони билан дам олиш куни.

11 АПРЕЛЬ — И. Каримов бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан Саудия Арабистонига борди.

27 АПРЕЛЬ — Тошкентга Туркия Жумҳурияти Бош вазири С. Демирэл келди.

28 АПРЕЛЬ—Тошкентда Туркия элчихонаси очилди.

15 МАЙ — МДҲ давлат раҳбарлари Тошкентга келдилар. Бу учрашув муваффақиятли якунланиб, Ўзаро ҳавфсизлик шартномаси қабул қилинди.

30 МАЙ — И. Каримов Россия билан шартнома имзолаш учун Москвага борди.

16 ИЮНЬ — И. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Корея Республикаси, Малайзия ва Индонезияга сафари бошланди.

26 ИЮНЬ — И. Каримов билан Н. Назарбоев қадимий Туркистон ерида учрашдилар. Икки республика ўртасида муҳим ҳужжатлар имзоланди.

27 ИЮНЬ — Покистон Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф Ўзбекистонга келди.

Тошкентда Покистон элчихонаси очилди.

2—3 ИЮЛЬ — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ҳукумат ўтказаётган ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналиши, республикадаги иқтисодий ва ижтимоий аҳвол тўғрисида ахборот берди. Олий Кенгашнинг сиёсий партияларга, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларига, Ўзбекистоннинг барча аҳолисига Мурожаатномаси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида қонун қабул қилинди.

8—10 ИЮЛЬ — Ўзбекистон Президенти И. Каримов расмий ташриф билан Финляндияда бўлди. Ер юзидаги 50 дан ортиқ давлатларнинг раҳбарлари иштирок этган бу нуфузли анжуманда Президентимиз нутқ сўзлади, сўнг Кенгаш ишига раислик қилди. АҚШ Президенти Ж. Буш, Франция Президенти Ф. Миттеран, Туркия бош вазири С. Демирэл ва бошқа мамлакатларнинг раҳбарлари билан суҳбат олиб борди.

28 ИЮЛЬ — Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги байрам қилиниши муносабати билан республиканинг ижодкор ва тиббиёт ходимларига ижтимоий ёрдам бериш тўғрисида Президент фармон қабул қилди.

30 ИЮЛЬ — Самарқандда Ўзбекистон Республикасининг 12 фоизли ички ютуқлар заёми биринчи тиражи ўйналди.

10 АВГУСТ — Ўзбекистон Республикасининг давлат божхона қўмитаси ташкил этилди.

13—14 АВГУСТ — Президент И. А. Каримов бошчилигидаги расмий делегация Покистонда бўлди.

19 АВГУСТ — Уй-жойлар хусусийлаштирилиши муносабати билан аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялашга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида Фармон қабул қилинди.

ОЛМАЛИҚ ОЛТИНИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎЗ ҲУДУДИДА ОЛТИН, БОШҚА ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛАР ВА ТОШЛАРНИ ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА САҚЛАШНИ МУСТАҚИЛ АМАЛГА ОШИРАДИ ҲАМДА НАЗОРАТ ҚИЛАДИ, ЎЗ ОЛТИН ЗАХИРАСИНИ ЯРАТАДИ».

(«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидан).

Ўзбекистон олтини, унинг шон-шуҳрати, довруғи қанча вақтдан бери олам узра қанот қоқиб келаётганлигини аниқ айтиш қийин. Республикамиз мустақилликка эришгач бошқа барча бойликлари қатори олтинига эгалик қилмоқда. Бунинг аҳамияти чексиздир. Мухбиримиз М. Мирҳамидовнинг Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори **Виталий Николаевич СИГЕДИН** билан суҳбати ҳам шу ҳақда бўлди:

— Ўзбекистонимиз қадимдан ўз олтин конлари, шундай қимматли бойлиги сероблиги билан оламга танилган. Ҳатто ҳозирги Олмалиқ атрофидаги ҳудудларда кўпдан-кўп конлар очилиб, бошқа қимматбаҳо металлар маъданлари қатори олтин ҳам қазиб олинган ва эритилган. Лекин минг афсуслар бўлсинки, бу қимматбаҳо бойлик узоқ йиллар давомида ўзбек халқига хизмат қилмади, уни қазиб олиш кенг кўламда йўлга қўйилган бўлса ҳам марказга олиб кетиларди. Ўзбекистонга эса фойдаси деярли тегмасди. Ваҳоланки собиқ иттифоқда қазиб олинаётган барча олтиннинг 25,2 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келган.

Республикамиз мустақилликка эришгач барча мавжуд табиий бойликлари каби олтин ҳам, унинг захираларию конлари ҳам унинг тасарруфига ўтди. Республикамизнинг порлоқ истиқболини таъминлашга хизмат қиладиган олтинимиз Ўзбекистонимиз кўзига нур, белига қувват, билагига куч, юрагига мадор бўлади, уни жаҳон миқёсига олиб чиқади.

Республикамиз Президенти ўтган йили Олмалиқ шаҳрида сайловчилар билан бўлган учрашувда Олмалиқ олтини ҳақида ғоят тўлқинланиб, завқ билан гапиргани кечагидек эсимда. У икки қўлида ҳар бири ўн уч килограмм келадиган олтин қуймасини баланд кўтарар экан, энди бу олтинлар марказники эмас, Ўзбекистонники, шу ерда, республикамизда қолади, деб катта қувонч, беқиёс мағрурлик, фахрланиш билан таъкидлагани диёримиз ҳар бир фуқаросининг ёдида муҳрланиб қолди. Буни ойнайи жаҳон орқали бутун халқ кўрганди.

Комбинатимизда қирқ йилдан бери бошқа металлар маъданлари қатори олтин ва кумуш ҳам қазиб чиқариларди. Лекин бу қимматбаҳо металлар бизда ажратиб олинмасди, бунинг учун имконият йўқ эди. Махсус олтин сараловчи ва уни қуювчи корхонани барпо этиш масаласи ҳеч кўрилмасди. Собиқ марказий ҳокимият буни истамасди, тайёр олтиндан ажралиб қолишни хаёлига ҳам келтирмасди. Биз ҳам бўш келмадик. Шахсан Президентимизнинг ҳар томонлама берган ёрдами, бизни барча чора-тадбирлар билан қуллаб-қувватлаши туфайли комбинатимизда анифиниционлаш цехини барпо этишга киришдик. Барча қийинчиликлар, сунъий тўсиқлар, собиқ марказнинг дўқ-пўписаларига қарамай мақсадимиздан қайтмадик. Уни олти ой давомида қуриб, ишга туширдик.

Натижада республикамизнинг валюта хазинасига тонна-тонналаб олтин, ўн тонналаб кумуш келиб туша бошлади. Шундай қилиб олмалиқликлар республикадан марказга бераётган олтин оқимига биринчи бўлиб тўсиқ қўйдилар. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида янги касб эгалари — олтинпазлар пайдо бўлишди. Улар шу йилнинг бошидан бошлаб валюта сифатида ишлатиладиган энг соф олтин ва кумуш ишлаб чиқарабошладилар. Бу қимматбаҳо металларнинг софлик даражасини тўртта тўққиз рақами билан, яъни 99,99 билан белгилайдиларки, бу шу соҳадаги энг юқори кўрсаткичдир.

Ҳозирги кунларда олтин цехида ҳар бири ўн икки ярим килограмм вазнли олтин ва вазни бундан ҳам оғирроқ бўлган кумуш қуймалари тайёрланмоқда. Уларнинг ҳар бири катта бойликдир. Шу туфайли ҳар гал шу цехга келганимда ўз ҳаяжонимни босаолмайман. Бундай ишлаб чиқаришни биринчи марта кўраётганимдан, унинг ниҳоят даражада юксак автоматлашганидан эмас, зеро Зарафшонда бундай технологиянинг яратилишида фаол қатнашиб, неча йиллар бевосита шу соҳада ишлаганман, балки шу қуймаларнинг ҳеч қаерга юборилмай ўзимизда қолаётганлигидан, республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганлигидан шундай ҳолатга тушаман. Ҳа, эндиликда фақат шаҳримизда эмас, бутун республикада чиқарилаётган олтин ўзимизда қолмоқда.

Жамоамиз эса мустақил республикамиз учун жуда зарур бўлган бошқа қимматбаҳо маҳсулотларни ҳам ишлаб чиқаришни ўзлаштириш йўлидаги изланишларни тинмай давом эттирмоқда. Яқиндан бошлаб феруза қазиб чиқаришни ва унга ишлов беришни ташкил этдик. Илгари бу қимматли заргарлик тоши деярли олинмас, уларни ташиб кетишарди. Шарқда жуда ҳам қадрланадиган, бу нафис тош ҳақида у ёнда фаровонлигини таъминлайди, деган нақл ҳам бежиз айтилмаган. Ҳозирги вақтда бу тош узук-зиракларга солиш учун турли шаклда тайёрланиб, Тошкент заргарлик заводига юборилмоқда. Икки ўртада махсус шартнома туздик.

Комбинатда платиноидлар (оқ олтинларга мансуб) деб аталувчи ниҳоятда қимматли металлар, ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ишлари ҳам бошланиб кетди. Бундай турдош металларнинг бозор нархи олтиндан ҳам бирнеча баравар қимматли бўлиб, ниҳоятда қадрланади. Улар ҳам республикамиз бойлигига бойлик бўлиб қўшиладиган кунлар яқин. Яқин фурсат ичида давлат хазинасига етказиб беришга киришилади.

Ҳозирги вақтда буюк кимёгар Менделеев жадвалидаги ўн олтита модда турини ишлаб чиқармоқдамиз. Биз уларнинг тури ва ҳажмни янада кўпайиши учун барча имкониятларни ишга соламиз, бугун мустақиллигимизнинг тўғриси йили нишонланадиган ҳур диёримизнинг янада гуллаб-яшнашига қўшаётган ҳиссамиз салмоқли бўлишига эришамиз.



Суратларни Д. АҲМАД олган.

ЎЗБЕК ЭЛИМ

Зарра ушоқни-да, кўзинга суртиб
Беҳад эъзозлайди деб: азиз нон — бу.
Еқтирмас яшашни бир-бирин туртиб,
Ҳаммага тенг сахий ва меҳрибон у.

Фақат чин меҳнатни тан олар доим,
Уни қизиқтирмас беҳуда шон ҳам.
Икки қўл кўксида: содда, мулойим,
Асли ўзи гадо, ўзидир хон ҳам.

Топгани ўзига буюрмай кўп вақт
Талайди, янчилди чалажон халқим.
Иқболи бўлса-да излагани бахт,
Ҳар Бахт — болада дер, болажон халқим.

Ўзи емаса ҳам эшигин очиб
Тўкин дастурхонга меҳмон чорлади.
Бору йўғини-да тўкканда сочиб
Уфқда милт этиб офтоб порлади.

Юрти тинч бўлсину омон бўлса бош,
Эртанги умиди синмаган халқим.
Дилига ҳамроҳдир сабиру бардош
Ер узра ҳеч қачон тинмаган халқим.

Мағрур елкасида баркашдай кетмон,
Бошида кўтариб юрар осмонни.
Қалбида занг босиб кетса-да армон,
Гуллатай деб яшар Ўзбекистонни.

Яхшини яхши деб эъзоз-ҳурматда,
Ёмоннинг ёмонин яширган халқим.
Кичикни кичик деб, каттани катта,
Дўстлар обрўсини оширган халқим.

Кўзимнинг нури — сен, ишонганим — сен,
Бошимда соябон — ўзбегим, халқим,
Сенинг бир заррангман, митти болангман,
Сен билан намоён ўзлигим, халқим.

Бугун мустақиллик шамоли елиб,
Қўлин қўлга бериб, отди ошоқ тонг.
Халқимга толеи умидвор қилиб,
Бошингдан гул сочдим, жон Ўзбекистон!

ТУЛҚИН

ВИЛОЯТИМИЗДА Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни байрами мисли кўрилмаган умумхалқ шодиёнаси сифатида нишонланмоқда. Тўйлар тўйларга уланмоқда, ранг-баранг, бир-биридан қизиқарли, оммавий халқ сайиллари, тантаналар ғоятда кўтаринки руҳ ва уюшқоқлик билан ўтмоқда.

31 август эрта тонг саҳардан барча шаҳар ва районларда, қишлоқ шўролари ва маҳаллаларда, саноат корхоналари, хўжаликлар, турли ташкилот ва муассасаларда ош тортилди.

Кексалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали, кам таъминланган оилалар, байналмилал жангчилар, болалар уйларида тарбияланувчиларга хайрия эҳсонлар берилди, совғалар топширилди. Кўп жойларда никоҳ ва суннат тўйлари жамоатчилик ёрдамида ўтказилди. Қуйида махсус мухбирларимизнинг жойлардаги байрам тантаналари ҳақида қисқа ахборотлари билан танишасиз.

ВИЛОЯТИМИЗДА БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ

АНГРЕН

Ҳоким ўринбосари Борис Александрович Дудко билан телефон орқали боғландик. Эрталаб соат олтиданоқ шаҳар маҳаллаларида, кварталларда тўй бошланиб кетди. Ошдан кейин байрам иштирокчилари истироҳат боғларидаги концертларга, турли томошаларга йўл олдилар.

Ўйингоҳларда спорт тадбирлари, театрлаштирилган кўрсатувлар намойиш этилди. Байрам дастурининг бадиий қисми бугун ҳам шаҳарнинг ҳамма аҳоли истиқомат жойларида, маданият саройларида, клубларида, истироҳат боғларида давом этади.

ОЛМАЛИҚ

Байрам либосига бурканган шаҳар истироҳат ва дам олиш боғлари ҳиёбонлари майдонлари, спорт иншоотлари, маданият саройлари ва уйлари бир зумда гавжумлашиб кетди. Барча олмалиқлик каттаю-кичик фуқаролар сайлга чиқдилар. Ҳамма жойда карнай-сурнай, бадиий дасталар садолари янгради. Концертлар бошланди. Спорт мусобақалари авжига чиқди. Савдо, умумий овқатланиш корхоналари катта дастурхон ёздилар.

ОҲАНГАРОН

Эрталабдан савдо растаси кишиларга хизмат кўрсата бошлади. Соат 11 да эса байналмилалчи жангчилар хотирасига бағишланган ёдгорликнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Кечга томон тантана қатнашчилари «Цементчи» стадионининг топширилиш тадбирида қатнашдилар. Сўнгра спортчиларнинг чиқишлари ҳамда байрам концерти намойиш этилди.

БЕКОБОД ШАҲРИ

Эрта тонгданоқ шаҳардаги 26 маҳалланинг ҳаммасида карнай-сурнай садолари янгради. Нуроний отахонлар, меҳрибон оналар, чеҳраси шодон йигит-қизлар, қувноқ болажайлар байрам дастурхони атрофидан жой олдилар. Турли миллат вакилларининг елкама-елка ўтириб, бир-бирларига меҳр-оқибат билан муносабатда бўлиб, энг уста ошпазлар дамлаган ошларни тановул қилишларини кўриш завқли эди.

Шаҳарда сайллар иштирокчилари учун савдо кўргазмалари уюштирилди. Кинотеатрлар, маданият саройлари томошабинларни иликлик билан бағрига олди. Истироҳат боғлари, ҳиёбонлар, ёруғ, равон кенг кўчаларда мусиқа садолари баралла янгради.

ЧИРЧИҚ

Бу ерда уюштирилган мустақиллик куни ҳафталиги республика «Наврўз» ҳайрия жамғармаси билан ҳамкорликда уюштирилган ҳайрия эҳсон телемарафони билан бошланди. Шаҳар кекса кишиларини ҳурматлаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар амалга оширилди. Чуночи сарполар улашилди, болаларнинг суннат тўйлари ўтказилиб, уларга қимматли совғалар топширилди. Янги турмуш қурган келин-куёвларга мебеллар ва бошқа қимматбаҳо уй жиҳоалари берилди. Барча спорт иншоотларида турли ўйинлар, мусобақалар уюштирилди.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ

Мана бир неча кундирки, Янгийўл шаҳрининг саноат корхоналарида, илмгоҳларида байрам тантаналари давом этмоқда. Кеча шаҳардаги «Навоий гулшани» истироҳат боғида байрам муносабати билан йиғилганларга ош тортилди. Унга шаҳар ҳудудидаги маҳаллалардан, ишлаб чиқариш корхоналаридан кишилар таклиф қилинганди. Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам ушбу байрам дастурхонининг ҳурматли меҳмонлари бўлишди. Санъаткорлар ижросидаги концерт дастури йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

ЯНГИОБОД

Эрталабдан Дукент маданият уйида меҳмоннавозлик авжига чиқди. Тантана иштирокчиларини ҳокимлик вакиллари табриклаганларидан сўнг уларга ош тортилди. Айни пайтда бир кун аввалданоқ ҳозирлаб қўйилган машиналар бу меҳмондорчиликка қатнашаолмаган 140 ногирон, бемор, кекса кишиларнинг уйларига ош тарқатди. Ҳамма жойдаги каби Янгиобод шаҳрида ҳам оммавий сайиллар файзли ўтди. Мустақилликка бағишланган байрамнинг мазмунан юксак ўтишида шаҳар Ҳокимлиги маданий муассасалар, турли ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиққан пуста дастур муҳим аҳамият касб этди.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНҒАНЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

Ортиқов Мирзатилла — 22-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бўстонлиқ райони

Аҳмедов Абдумутал Икромович — «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси аппаратчиси, Олмалиқ шаҳри

Бекмамедова Лариса Хисамовна — «Оҳангаронцемент» бирлашмаси ҳисобчиси

Бердиқулова Батан — «Енбек» колхози сут соғувчиси, Бўстонлиқ райони

Бувахонов Жўра — Ўзбекистон 50 йиллиги номидаги колхоз бригадири, Тошкент райони

Гаффоров Алишер — «Бўзсув» колхози раиси, Зангиота райони

Довуров Уламқодир — Товоқсой маиший кимё бирлашмаси бош муҳандиси, Бўстонлиқ райони

Деҳқонов Омонбой — мелиорация ва сув хўжалиги бирлашмаси муҳандиси, Бекобод райони

Долженко Зоя Гавриловна — марказий шифохона бўлим мудири, Янгийўл райони

Дўстмуҳамедов Неъматилла Свайдуллаевич — «Оҳангаронцемент» бирлашмаси машинисти

Дўстова Назира Турсунхўжаевна — дон комбинати устаси, Пискент райони

Зашчихина Евгения Васильевна — «Оҳангаронцемент» бирлашмаси машинисти

Зокиров Ғайрат — марказий шифохона травмотология бўлими мудири, Оққўрғон райони

Иноятов Сайфулла — марказий район шифохонаси бош шифокори, Қуйи Чирчиқ райони

Исмонлова Ойниса Нурматовна — Ангрен «Ҳунарманд» хўжалик ҳисобидаги корхонаси сават тўқувчиси

Эргашев Турғун — вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси

Эштоев Равшанбек Абдураҳимович — 18-ҳунар-техника билим юрти устаси, Бўстонлиқ райони.

Қодиров Аҳмад — Тошкент вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси пахтачилик бўлими бош мутахассиси

Канишников Валерий Николаевич — «Оҳангаронцемент» бирлашмаси машинисти

Керимов Сайёр Иброҳимович — «Оҳангаронцемент» бирлашмаси электр монтёри

Қодирова Санталат — вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бўлим мудири.

Кораблина Танзила Юнусовна — Тошкент вилоят ҳисоб бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Кўпайсинова Гулсара — «Оҳангаронцемент» бирлашмаси машинисти

Долженко Зоя Гавриловна — марказий шифохона бўлим мудири, Янгийўл райони

Дўстмуҳамедов Неъматилла Свайдуллаевич — «Оҳангаронцемент» бирлашмаси машинисти

Дўстова Назира Турсунхўжаевна — дон комбинати устаси, Пискент райони

Зашчихина Евгения Васильевна — «Оҳангаронцемент» бирлашмаси машинисти

Зокиров Ғайрат — марказий шифохона травмотология бўлими мудири, Оққўрғон райони

Мансуров Сотволди Исмоилович — М. Мирзабобоев номли колхоз бригадири, Янгийўл райони

Марченко Борис Александрович — 22-поликлиника мудирининг ўринбосари, Янгиобод шаҳри

Мирбобоев Анвар Мирусмонович — 63-умумий таълим мактаби ўқитувчиси, Ўрта Чирчиқ райони

Мирзаева Меҳри Эргашевна — 12-мактаб ўқитувчиси, Қибрай райони

Қурбонов Ҳайдарқул Баркашевич — Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими милиционери

Мўминов Неъмат Комилович — Марказий шифохона гинекология бўлими мудири, Бекобод райони

Мирсалимов Замон Ҳайдарович — 2-Тошкент вилоят деҳқончилик қурилиши трести бошқарувчисининг ўринбосари

Мусаева Матлуба — 15-мактаб ўқитувчиси, Паркент райони

Муҳаммаджонов Сидиқ — М. Фозилов номли колхоз раиси, Тошкент райони

Нормуҳамедов Абдураҳмон Зоитович — А. Икромов номли колхоз бригадири, Зангиота райони

Низомов Хилол Низомович — Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси етакчи мутахассиси

Окель Вадим Фридрихович — Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги Ички ишлар бўлими бошлиғи

Оқмирзаев Турғунбой — мелиорация ва сув хўжалиги район бирлашмаси муҳандиси, Бекобод райони

Оппоқхўжаев Абдулла Холматович — «Паркентводстрой» трести 5-кўчма механизациялашган колоннаси бошлиғи, Паркент райони

Пейсенов Мирзаҳамид — «Янгийўл» район газетаси муҳаррири, Янгийўл райони

Расулов Муҳаммадали Ваҳобович — Бекобод райони ҳокими

Раҳимов Зуфар — аҳолига хизмат кўрсатиш тармоғи ишлаб чиқариш бирлашмаси сартароши, Янгийўл райони

Раҳматов Аъзам — «Хўжакент» совхози бўлим бошқарувчиси, Қуйи Чирчиқ райони

Рихсиев Носир — «Тошкент ҳақиқати» газета таҳририяти бўлим мудири

Солиев Карим Маъмурович — «Узстройтранс» бирлашмаси 7-автокорхонаси ҳайдовчиси, Ангрен шаҳри

Солихов Зоҳид Обидович — вилоят маданият бошқармаси бошлиғи

Тарзиев Рашид Аҳмедович — Олмалиқ кон-металлургия комбинати рух заводи электр монтёри

Тошматов Роҳатқул Аҳмедович — Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бўлими бош мутахассиси

Тожиева Равшан Жўраевна — «Октябрь» колхози сут соғувчиси, Қибрай райони

Тонконогов Марк Ефимович — вилоят ҳокимлиги биринчи тоифа мутахассиси

Жўраев Тоживой — Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати аппаратчиси, Чирчиқ шаҳри

Турсунов Нишон — «Ўзбекистон» колхози бригадири, Юқори Чирчиқ райони

Убайдуллаев Саъдулла — Ғиёс Умаров номли колхоз бригадири, Тошкент райони

Уринбоев Абдуҳаким Холмирзаевич — «Зафар» деҳқончилик саноати комбинати бош муҳандиси, Бекобод райони

Ўрмонов Рамазон — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси экскаватор машинисти, Ангрен шаҳри

Ўрмонов Тўлқин — Халқ депутатлари Салор кичик шаҳар Кенгаши раиси, Қибрай райони

Усмонов Мамадиёр Мамадиевич — вилоят ҳокимлиги Ички ишлар бошқармаси тергов бошқармаси бошлиғи

Усмонов Эрмат — «Северний маяк» колхози бригадири, Ўрта Чирчиқ райони

Фахриддинов Ёвмиддин Зайниддинович — «Лимонарий» колхози раиси, Қибрай райони

Усмонова Мукаррам Эшматовна — «Узмеҳстрой» трести Тошкент вилоят кўчма механизациялашган колонна ғишт терувчиси

Фёдоров Александр Павлович — «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Оҳангарон шаҳри

Ҳайтматов Неъмат — С. Раҳматуллаев номли 10 ўрта мактаб директори, Паркент райони

Халилов Бахтиёр Эргашевич — вилоят ҳокимлиги прогнозлаш қўмитаси бўлим бошлиғи

Ҳасанов Турғун Рустамович — «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси транспорт цехи тепловоз машинисти, Оҳангарон шаҳри

Хўжакаев Искандар — «Дўстлик» колхози участка мудири, Юқори Чирчиқ райони

Чернишева Елизавета Григорьевна — «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси кўприк крани машинисти,

Шодиев Иномали — ВЛКСМ 40 йиллиги номли Ангрен ГРЭСи слесари

Шораҳимов Шомурод — «Чиноз» наслчилик совхозтехникуми бригадири, Чиноз райони

Шаршуков Леонид Александрович — «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси слесари, Оҳангарон шаҳри

Шишова Валентина Николаевна — «пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси, Чирчиқ шаҳри

Эргашев Камолиддин — вилоят деҳқончилик саноат мажмуи моддий техника таъминоти ва техника тузатиш бўйича бирлашма бўлим бошлиғи

Йўлчиев Акбарали — Қибрай райони ҳокими

Юсупов Собир Мўминович — «Тошкент вилоят юк ташиш транспорти» концерни бош директори

Юсупхўжаев Саидиқром — А. Абдуллаев номли колхоз ферма мудири, Тошкент райони

Яковенко Нелли Ивановна — «Ташкентская правда» газетаси муҳаррири ўринбосари

Хоназаров Жўра — Уруш ва меҳнат фахрийлари район Кенгаши раиси, Қибрай райони

Қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Комилов Улфат — Бўстонлиқ районидаги 50-дорихона мудири

Худойбердиева Меҳриниса — Пискент район шифохонаси бош шифокори

«Ўзбекистон Республикасининг хизмат кўрсатган маданият ходими»

Икромов Эргаш — Паркент район маданият уйи директори.

«Ўзбекистон Республикасининг хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Қодиров Ортиқбой — Чиноз районидаги 27-мактаб ўқитувчиси

Раҳматиллаев Лутфулла Сайфуллаевич — Янгиобод шаҳридаги 4-мактаб директори

Юсупова Евгения Васильевна — — Олмалиқ шаҳридаги 15-мактаб ўқитувчиси

«Ўзбекистон Республикасининг хизмат кўрсатган саноат ходими»

Аман Валерий Николаевич — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Ангрен» разрези юк ортиш-транспорт бошқармаси машинисти

Қипчанбоева Кулзина — Чирчиқдаги «Ғунча» ишлаб чиқариш тикувчилик бирлашмаси тикиш цехи тикувчиси.

«Ўзбекистон Республикасининг хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими»

Холиқов Кўчбой — Оҳангарон районидаги С. Раҳимов номли колхоз катта чўпони

Шарипбоев Раҳмонали Бобоназарович — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз бригадири

Шодиев Хотам — Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхоз бригадири

«Ўзбекистон Республикасининг хизмат кўрсатган транспорт ходими»

Парпиев Абдушукур — Олмалиқдаги 80-автокорхона ҳайдовчиси

«Ўзбекистон Республикасининг хизмат кўрсатган бинокори»

Кузьминский Геннадий Абрамович — «Электросредазмонтаж» трести 4-монтаж бошқармаси бошлиғи, Қибрай райони

Старовойтов Владимир Александрович — Чирчиқ шаҳридаги 160-қурилиш трести 225-иш бошлиғи бошқармаси дурадгори

Ханипов Борис Халитович — «Электросредазмонтаж» трести 4-монтаж бошқармаси бригадири Қибрай райони

Ян-Борисов Ўзбек Губаевич — «Узагропромстройтеплица» трести 450-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна бошлиғи, Зангиота райони

«Ўзбекистон Республикасининг хизмат соҳасининг хизмат кўрсатган ходими»

Қосимов Жаҳонгир Абдурашидович — Ангрен умумий овқатланиш трести директори

Нурмуҳамедов Карим Шерхонович — Тошкент райони «Келесгаз» идораси директори

Раҳимов Бахтиёр Сафоевич — «Ташвилгаз» бошқармаси бошлиғи

Умарова Манзура Маҳкамовна — Келес шаҳридаги 37-сут дўкони сотувчиси

«Ўзбекистон Республикасининг хизмат кўрсатган пахтакори»

Ниёзов Эргаш Минавварович — Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхози раиси

«Ўзбекистон Республикасининг хизмат кўрсатган юристи»

Ботиралиев Сотволди Эшматович — Тошкент вилоят суди аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 28 август.

ВИЛОЯТИМИЗДА БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ

(Боши 3-бетда).

БЕКОБОД

Кеча райондаги барча хўжаликлар ва ташкилотларда мустақиллик кунига бағишланган тантанали йиғилишлар бўлиб ўтди. Байрам арафасида 10-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари «Далварзин» таъмирлаш заводининг ишчиларига муносиб совға тайёрладилар. Улар ўзлари бунёд этган Маданият саройининг калитини шу кунн меҳнаткашларга тантанали равишда топширдилар.

Район ҳокимлиги байрам муносабати билан кам даромадли оилаларга, ногиронлар, ёлғиз кишиларга ўз ҳисобидан 300 сўмдан пул тарқатди.

Байрам ошига қўшни Тожикистон жумҳуриятининг Хўжанд шаҳри, Масчоҳ районидан меҳмонлар ташриф буюриши. Райондаги барча ҳаваскорлик гуруҳлари шу куни байрам қатнашчиларини хурсанд этишди. Стадионда миллий кураш бўйича мусобақалар бўлди. Район матлубот жамиятининг дўконлари аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларини арзон нархларда сотишди.

БЎКА

«Мустақиллик» кўкрак нишони ва вилоят Ҳокимлигининг Фахрий ёрлиқларини топшириш маросимидан сўнг байрам тантаналари бошланиб кетганди. Кеча тонгда бу ерда район аҳли учун ош тортилди. Меҳнаткашлар кунни мазмунли ўтказишлари учун турли хил тадбирлар белгиланди. Бугун эса барча хўжалик, ташкилот ва корхоналарда ўзига хос байрамона кайфият. Ў ерларда савдо кўргазмалари, турли хил танловлар, баҳслар, миллий спорт ўйинлари ташкил қилиниб, голибларга совринлар, эсдалик совғалари берилмоқда.

Асосий халқ сайли Бўка марказида, хўжаликларда бўлиб ўтмоқда.

БЎСТОНЛИҚ

Район меҳнаткашлари кеча катта тантанадан кейин янги очилган «Туркистон» савдо марказини бориб кўрдилар. Арзон нархдаги турли маҳсулотлардан харид қилдилар. Ғазалкентда спортнинг 13 тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтмоқда. Айниқса, чавандозлар ва полвонларнинг чиқиши кўпчиликни қизиқтираётир. Районда «Яхши нон пиширувчи», «Уста қандолатчи» каби кўрик танловлар ҳам уюштирилди.

ЗАНГИОТА

«Бўсув» жамоа хўжалигида 60 та кам таъминланган хонадонга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Жамоа хўжалиги ҳудудидаги иккита болалар боғчаси идиш-товоқ билан тўла таъминланди.

Мана шундай байрам шу райондаги «Дамачи» балиқ хўжалигида ҳам давом этди. Бу ерда ҳам йиғилганларга ош тортилиб, санъаткорлар ўз концерт дастурларини намойиш этишди. Савдо ярмаркаси ташкил этилди. Эллик нафар ишчига эса 500 сўмдан ёрдам пули берилди. Меҳнат ва уруш фахрийларига ҳам совғалар улашилди.

ОҚҚУРҒОН.

Кеча тонгдан бошланган тантаналар халқнинг байрамона кайфияти билан уйғунлашиб одамларнинг руҳига тетиклик бағишлади. Айниқса, Оққўрғон ўйингоҳида севимли хонанда Ғиёс Бойтоев иштирокида берилган катта концерт кўпчиликни жалб қилди. Байрам танловлари, баҳслари, турли хил миллий ўйинлар, мусобақалар бугун ҳам меҳнаткашларни хушнуд этади.

ОҲАНГАРОН РАЙОНИ.

Алишер Навоий номли, Собир Раҳимов номли шўро хўжаликларида, «Бирлик», «Дўстлик», «Янги ҳаёт», ижара жамоа хўжаликларида тантаналар бўлиб ўтди. Район ҳудудида истиқомат қилувчи 160 нафар ёлғиз кишиларга 5 килограммдан шакар, 5 килограммдан макарон ва 2 килограммдан ширинлик улашилди, 113 нафар уруш қатнашчилари ҳамда ногиронларига турли совғалар улашилиб, район Ҳокими номидан шахсан табрикланди.

ПАРКЕНТ

Эрта тонгдан шаҳар марказидаги катта-катта ташкилотлар, корхоналар ўзининг ишчи-хизматчиларига ош тарқатди. Спорт мусобақалари йиғилганларга завқ-шавқ бағишлади. Айниқса, 6 та команда иштирок этаётган миллий кураш мусобақалари байрамнинг асосий томошаларидан бирига айланди. Паркентдаги ҳар бир қишлоқда байрам ўзгача тус олди. Айниқса, куни кеча ўтказилган байрам шанбалиги ҳамманинг эсида қолса ажаб эмас. Шанбалиқдан тушган 300 минг сўм маблағ райондаги «Наврўз» ҳайрия жамғармасига тушди.

Шунингдек, Гулбоғ қўрғонида 850 ўринли, Қирғизовул қишлоғида 424 ўринли мактаб бинолари ҳам байрам арафасида ўқувчиларга совға қилинди.

ПИСКЕНТ

Истиқлолнинг бир йиллиги кунида спорт майдонлари, концерт заллари, ўйингоҳлар, кинотеатрлар, байрамона тус олди. Одамларнинг ҳам кайфияти баланд. Улар мустақиллик байрамини шодхуррамлик билан нишонлашмоқда.

ТОШКЕНТ

Мана уч кундирки, райондаги хўжаликларда тўю томоша давом этмоқда. «Ўзбекистон 50 йиллиги», Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли, Навоий номли ва бошқа хўжаликларда байрам дастурхони тузалиб меҳнаткашларга ош берилди.

Район марказида савдо расталари ташкил этилган. Меҳнат фахрийлари, Улуғ Ватан урушининг ногиронлари бугунги тантананинг энг мўътабар меҳмонлари бўлишди. Уларни шаҳар Ҳокими шахсан табриклади.

ЧИНОЗ

Кеча Чиноз шаҳрида, Олмазор Янги Чиноз қўрғонлари, Эски Тошкент қишлоғи ва районнинг ҳамма хўжаликларида, саноат, қурилиш ташкилотларида маҳаллаларни жалб қилган ҳолда катта байрам бошланди. Тантана иштирокчилари ош билан меҳмон қилиндилар. Кундузи соат 12 да «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги 1200 ўринли янги мактабнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

ҚИБРАЙ

Районда байрам тантаналари 30 августданоқ кенг кўламда бошлаб юборилди. 131 нафар боланинг суннат тўйи кундузи бошланди. Қадимий удумимизга кўра улар ясатилган тойларга миндирилиб сайр қилдилар. Заррин тўнчалар кийдирилган бу кичкинтойларнинг қувончи бир олам эди.

Район маркази ва Ҳокимлик биносининг ҳовлиси минглаб одамлар билан тўлди. Махсус саҳналар қурилди. 2 минг кишига жой тайёрланди.

Мана соат 18.00, Карнайсурнайлар садолари остида 3 жуфт келин-куёв кириб келишди. Уларнинг бугунги никоҳ тўйини Ҳокимлик бошчилигидаги жамоатчилик ўз зиммасига олди. Тўй сарполари билан бирга ҳар уч янги оилага биттадан соғин сигир совға қилинди. «Тўйлар муборак!» билан уларни махсус жойларга ўтказишди. Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти ва вилоятимизнинг турли районларидан келган меҳмонлар ҳам ўтиришди. Тантанали байрам кечасини район ҳокими А. Йўлчиев табрик сўзи билан очди. Қутловлар устига қутловлар, ўйин-кулги, шодиёна бир неча соат давом этди.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ

Эрта тонгдан жарчилар аргумоқларга миниб кўчакуйлар, маҳаллалар оралаб катта-ю кичик ҳаммани мустақиллик кунини нишонлаш байрамида қатнашишга таклиф этдилар.

Районда ташкил этилган хайрия жамғармасидан кексаларга, ногиронларга, бенаволарга, ночор оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳамма жойда ярмаркалар, савдо-сотиқлар уюштирилди. Райондаги ҳар бир оилага бир килограммдан гўшт улашилди. Бугун эса байрам шодиёналари район марказида давом этади.

ЎРТА ЧИРЧИҚ

Кеча Ўрта Чирчиқ районида республикамиз мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган байрам меҳнаткашларнинг катта тантанасига айланиб кетди. Байрамга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрилди. Оммавий халқ сайллари, бир-биридан ранг-баранг йиғинлар, гурунглар бўлиб ўтди, дош қозонларда ошлар тортилди.

Қурилаётган бир қанча маданий-маиший объектлар байрам арафасида фойдаланишга топширилди. Мана улардан бештаси:

ТУЙТЕПА марказида байналмилал жангчиларга ёдгорлик очилди.

«СЕВЕРНИЙ МАЯК» номли жамоа хўжалигида чойхона,

АКМАЛ ИКРОМОВ номли жамоа хўжалигида чойхона,

«ЯНГИ ҲАЁТ» қишлоғида аралаш моллар магазини,

ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИДА чойхона.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ

Янгибозорда кеча эртадаб 250 кило гуруч солиб, ош дамланди. Савдо ярмаркасида эса озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари билан кишиларга хизмат кўрсатилмоқда. Марказий Истироҳат боғида дор ўйинлари ҳамда спорт мусобақалари давом этмоқда.

Бундан ташқари байрам муносабати билан район ҳудудида истиқомат қилувчи 130 нафар ёлғиз қариялар, 42 нафар уруш фахрийларига ҳам ёрдам уюштирилди.

Район марказида «Табиат инъомлари» деб аталган дўкон қурилиб ишга тушди. «Гулистон» жамоа хўжалигида эса кундузги даволаниш муассасаси фойдаланишга топширилди.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ

Тантаналарда район маданият уйи ҳузурида шаклланган дорбозлар гуруҳи ўз томошаларини намойиш этмоқда. Стадионларда, истироҳат боғларида концертлар давом этмоқда. Маданият муассасалари бадиий дасталари халқ хизматида. Савдо шахобчалари янгийўлликлар учун кўргазмалар уюштирдилар. Ҳамма район ва шаҳарлардаги каби бу жойда ҳам, кеча ош тортилган эди. Бугун эса умумий овқатланиш корхоналари янгийўлликларни миллий таомлар билан таъмин этадилар.

* * *

Вилоятимиз шаҳар ва районларида бўлиб ўтган тантаналарда вилоят Ҳокими С. Д. Сайдалиев, Ҳокимнинг биринчи ўринбосари Ш. Н. Маҳмудова, Ҳоким ўринбосарлари Ҳ. Ҳ. Ҳамидов, Т. М. Мирёқубов, А. А. Раҳимбоев, вилоят маҳкамасининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

(Ўз мухбирларимиздан).

Суратлар Қибрайдаги байрам тантаналарида олинган.





БОБОДЕҲҚОНГА ТАЪЗИМ

КУНИ кеча Тошкентдаги «Ўзбекистон миллий боғи»да вилоятимиз маънавий-маданият таргибот маркази ташаббуси билан «Таъзим сенга, бобо деҳқон!» сайли бўлиб, Чиноз районн Алишер Навоий жамоа хўжалиги аъзолари пойтахтимиз меҳмони бўлдилар. Байрамга ташриф буюрганларни карнай-сурнай наволарию юғора-доира садолари остида республикамизда таниқли санъаткорлар Ўзбекистон халқ артисти Турғун Хонтўраев,— Абдураҳмон ЖОМИЙ образида, Пўлат Носиров — Алишер НАВОИЙ образида, Теша Мўминов — Амир ТЕМУР образида, Ҳасанбой Юнусов — Абу Али ибн СИНО образида кутиб олдилар. Чиноз ликлар Алишер Навоий ҳайкали пойига гулдасталар қўйиб, отахонлар шоир руҳига дуо ўқишди. Шундан сўнг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Неъмат Дўстмуҳаммад меҳмонларни байрам учун ёзилган дастурхонга таклиф этди.

Кечани Тошкент вилоят маънавий-маданий таргибот маркази раҳбари Баҳром Тожибоев кириш сўзи билан очди. Сўнгра жамоа хўжалиги раиси Жамолиддин Мингбой ўғли Араббоев 1992 йилда хўжаликнинг қўлга киритган ютуқлари, қилинаётган ишлар ҳақида тўхталиб, шундай катта сайилга келган 600 дан зиёд хўжалик аъзоларини Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги билан табриклади.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла ҳожи Ориф, Тўра Мирзо янги ёзган шеърларидан ўқиб бердилар. Зокиржон Афзалов, Фатхулла Зиқриллаев «Мустақил республика фуқароларининг жамиятдаги мавқеи» ҳақида суҳбат қилдилар. Суҳбат давомида катта дошқозонда дамланган тўй оши тортилди.

Даврани Ҳамза номидаги театр артисти Шукурхон Сафаева олиб борди. Моҳир ва сеҳрли бармоқлар соҳиби оригинал жанр устаси Раҳмонбек Исломов, ҳамда полвон Бахтиёр Аҳмаджоновнинг санъатлари оқишларга сазовор бўлди. Эркин Қосимов раҳбарлигидаги «Соҳибқирон», Муҳаммад Турсун раҳбарлигидаги санъаткорлар, мумтоз қўшиқлар ижрочиси, ҳофиз Акмалхон, Бобохон Сўпихоновлар авлоди Шавкат Расулов ўзларининг куй ва қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этдилар.

Сайил кечгача давом этди. Байрамга келганлар тўйиб-тўйиб кулдилар, мириқиб дам олдилар. Уларни сўҳбатга тортар экансиз, бундай сайилда биринчи марта иштирок этишларини ва бундай сайиллар тез-тез ўтказиб турилса, деган истакларни билдиришди.

Савдо расталарига Алишер Навоий жамоа хўжалиги меҳнаткашлари сифатли ва арзон картошка, пиёз, қовун-тарвуз ва бошқа полиз маҳсулотлари келтириб, шаҳарликлар дастурхонини тўлдирдилар.

Даврон АҲМАД.

Суратларда: сайилдан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, 700000, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилди. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г—284. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди 23.50 31650 нусха босилди.